



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 8 сентябрь, № 188 (8531)


Жума

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 сентябрь куни Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт ва молия вазири Чху Гён Хо бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Учрашув аввалида Бош вазир ўринбосари Чху Гён Хо давлатимиз раҳбарига Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг саломи ва энг эзгу тиллакларини етказди. Суҳбатда азалдан яқин дўстлик ришталарига, халқларимизнинг менталитети, анъана ва қадриятлари ўхшашлигига асосланган икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўзбекистон Президенти Жанубий Корея билан кенг кўламли ҳамкорликнинг янги иқтисодий кун тартибини

шақллантириш масалаларига тўхталди. Кейинги йилларда ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари барқарор ошиб бормоқда. Утган йилда товар айирбошлаш 24 фоизга кўпайди. Мамлакатимизда қарийб 1 мингта қўшма корхона фаолият юритмоқда. Кореядан инвестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея Эксимбанки ва унинг фондлари билан кўп йиллар давомида самарали ҳамкорлик қилинаётгани, улар билан биргаликдаги лойиҳаларнинг умумий портфели 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил этгани юқори баҳоланди. Муваффақиятли амалга оширилган қўшма лойиҳалар қаторида кўп тармоқли болалар шифохонаси, тўқимачилик

технопарки, қишлоқ хўжалиги машина-созлиги ва нодир металллар бўйича марказлар қайд этилди. Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан технологик ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни жаддалаштириш, инфратузилма, "яшил" энергетика, давлат бошқаруви, молия, рақамлаштириш ва кадрлар тайёрлаш борасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш амалий ҳамкорликнинг устувори йўналишлари сифатида кўрсатиб ўтилди. Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида самарали мулоқотларни йўлга қўйиш ва маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш учун кенг имкониятлар борлиги таъкидланди.

## БМТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ БИЛАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 сентябрь куни Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Цюй Дунъюни қабул қилди.



Учрашув аввалида мамлакатимиз етакчиси юқори даражали меҳмон-Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг етакчи тармоқ тузилмаси раҳбари этиб қайта сайлангани билан кутлади ҳамда шу кунларда Самарқанд шаҳрида ўтаётган конференцияни қўллаб-қувватлагани ва унинг ишида шахсан иштирок этаётгани учун миннатдорлик билдирди. ФАО бош директори Ўзбекистон Президентини глобал миқёсда долзарб бўлган мавзудаги ушбу халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси муваффақиятли рўёбга чиққани ва тadbир юксак даража-

да ташкил этилгани билан табрик-лади. Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солаётган бугунги хавф-хатарларга қарши, шу жумладан, минтақа даражасида курашиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Аграр тармоқни ривожлантиришдаги номутаносибликлар, сув ресурсларининг танқислиги, қўшимча қиймат яратишнинг узун ва самарасиз занжирлари, логистикадаги узилишлар ва бошқалар барқарор ривожланиш учун асосий хатарлар сифатида қайд этилди. Ўзбекистон ва ФАО ўртасида

2030 йилга қадар мўлжалланган янги ҳамкорлик дастурига қишлоқ хўжалигини илмий тадқиқотлар ва инновациялар асосида модернизация қилиш, аграр соҳани рақамлаштириш, молиявий қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан воситаларини амалга ошириш ва агро-озиқ-овқат тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича қўшма тadbirlарни киритишга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар! Сиз, азизларни қадимий ва гўзал Самарқанд шаҳрида озиқ-овқат хавфсизлигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро конференциянинг очилиши билан чин қалбимдан табриклайман. Мазкур анжуманда дунёнинг 32 та давлатидан 620 нафардан зиёд хорижий меҳмон ҳамда 30 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотдан вакиллар қатнашаётгани унга жаҳон миқёсидаги катта қизиқиш ва эътибордан далолатдир. Албатта, ушбу конференция учун айнан Самарқанд шаҳри танлангани бежиз эмас. Қарийб уч минг йиллик тарих ва маданиятга эга бўлган бу қўнча шаҳар асрлар давомида Буюк Ипак йўлидаги муҳим чорраха бўлиб келган. Сизларга яхши маълумки, озиқ-овқат хавфсизлиги, уни барқарор етказиб бериш, оқлик ва қашшоқликка қарши кураш масалалари бугун ҳам ўта долзарб бўлиб қолмоқда. Сўнгги ўн йилларда "яшил инқилоб" ва инновация технологияларнинг кенг жорий этилиши туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди, тобора кўпайиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда сезиларли ютуқларга эришилди. Афсуски, кейинги пайтда коронавиралар пандемияси, жаҳон сиёсати ва

иқтисодиётидаги инқирозлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш тизимида занжирларнинг узилиши ва нархлар ошишига сабаб бўлди. Бундан, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар жабр кўрмоқда. Глобал иқлим ўзгаришлари, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимида инвестиция ҳажми камайиши вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Бу эса Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни хавф остида қолдирмоқда. Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларининг 2021 йилда озиқ-овқат тизимлари бўйича глобал саммит ўтказиш борасидаги ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Бугунги анжуман ана шу саммитнинг мантиқий давомидир. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги эканларининг серхосил, таъши таъсирларга чидамли навларини яратиш, чор-ва наслини яхшилаш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермерлар ва кичик ишлаб чиқарувчиларга ахборот-консалтинг марказларини ташкил этиш, уларнинг ресурс тежайдиган илгор технология ва усуллар бўйича ўқитиш учун агро-консалтинг хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Замоनावий технологиялар ва қишлоқ хўжалиги техникаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги фер-

мерлар учун бир хилда очиқ ва ҳамён-боп бўлиши керак. Биз халқаро молия институтларини ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларнинг "яшил технологиялар"дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишга чақирамиз. Биз энг зарур маҳсулотлар савдоси ва транспортроқасида тўлиқ эркинлик ҳамда озиқ-овқат юкларини ҳаракатини тартибга соладиган қондаларни соддалаштириш тарафдоримиз. Савдо йўллари хавфсизлиги ва очилгани таъминлаш давлатлараро муносабатларда ўзгармас тамойил бўлиб қолиши зарур. Қадрли дўстлар! Ўзбекистон замини ўзининг қадимий ва бой деҳқончилик анъаналари, гоат хилма-хил, мазали ва ноёб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан азалдан шўхрат қозониб келади. Агротармоқ иқтисодиётимиздаги етакчи секторлардан бири бўлиб, меҳнатга лаёқатли аҳолимизнинг 27 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилади. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада самарали ва ресурс тежайдиган соҳага айлантириш, қишлоқда аҳоли ҳаёт даражасини яхшилаш, халқимизни арзон ва барқарор нархларда хавфсиз ва витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соғлом

овқатланишни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бизнинг юртимиздан етишиб чиққан, Фарбда "Авиценна" деган ном билан шўхрат қозонган буюк алолма Ибн Сино бобомиз ўрта асрлардаёқ "Кимки узок ва соғлом ҳаёт кечиришни истаса, аввало, овқатнинг сифати ва миқдорига эътибор қаратсин", деб таъкидлаганлар. Албатта, дунё аҳолиси ўртасида соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш — узок давом этадиган жараён. Бу мақсадга эришишда барча давлатлар ҳукуматлари, ишлаб чиқарувчилар, олимлар ва табиёт ҳодимлари яқин ҳамкорликда олиб боришлари лозим, деб ҳисоблаймиз. Хурматли анжуман иштирокчилари! Сизлар конференция давомида ана шундай муҳим масалалар ҳақида атрафли фикр алмашиб, глобал миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳизмат қиладиган янги ташаббус ва амалий тақлифларни ишлаб чиқасиз, деб ишонаман. Меҳмондўст Ўзбекистон заминига хуш келибсиз! Мамлакатимизга ташрифингиз мазмунли ва самарали бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 43-моддасига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 16 майда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 5 августда маъқулланган

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, шунингдек биохилмаҳилликни сақлаш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёввойи ҳайвонларнинг табиий зотга оид турларининг, айниқса, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларининг барқарор яшаш шароитларини таъминлаш ҳамда сақлаб қолиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга йиртқич ва заҳарли ёввойи ҳайвонларни ярим эркин шароитларда ёки тўтқунликда сақлаш, улардан тижорат мақсадларида фойдаланиш, уларни жамоат жойларида сайр қилдиришнинг турли ҳодисаларга олиб келиши ҳоллари учун раётганлиги аҳолининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришни талаб этмоқда. Шу муносабат билан ёввойи ҳайвонларни сақлашни тартибга солиш мақсадида «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жисмоний шахслар томонидан сақлашни тақиқланган ёввойи ҳайвонларнинг рўйхатини, шунингдек мазкур рўйхатга киритилган ёввойи ҳайвонларни юридик шахслар томонидан сақлаш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига юклатилмоқда. Ушбу Қонун ёввойи ҳайвонларни сақлаш ҳамда улардан турли мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ ҳолларда аҳолининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга, шунингдек ваколатли давлат органининг ушбу йўналишдаги жавобгарлигини оширишга ҳизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ун-

дан фойдаланиш тўғрисида»ги 545-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган УРҚ-408-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда; № 8, 470-модда; 2020 йил, № 7, 447-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 466-модда; № 6, 570-модда) 43-моддасига қуйидаги қўшимча ва ўзгартириш киритилсин: қуйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин: «Жисмоний шахслар томонидан ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тўтқунликда сақлашни тақиқланган ёввойи ҳайвонларнинг рўйхати, шунингдек мазкур рўйхатга киритилган ёввойи ҳайвонларни юридик шахслар томонидан сақлаш тартибини белгилаш; бешинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочилиги ва етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2023 йил 7 сентябрь № УРҚ—867

## ГЛОБАЛ МАСАЛАГА МУШТАРАК ЁНДАШУВ

Самарқанд шаҳрида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бағишланган халқаро конференция ўз ишини бошлади. Анжуманнинг тантанали очилиш маросимига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатини Бош вазир Абдулла Арипов ўқиб эшиттирди.

Маросимда, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Цюй Дунъюи сўзга чиқиб, ушбу нуфузли тадбир айнан Ўзбекистонда ўтаётгани муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. — Мен Ўзбекистонни бу минтақадаги энг яхши ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилаётган жой эканлигига ишонч ҳосил қил-

ганман, — деди Цюй Дунъюи. — Мамлакатдаги бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик нафақат минтақада, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Қолаверса, бу қўнча замин қадимий цивилизациялар бешиги ва бугунги кундаги сай-харакатлар, ривожланиш жараёни туфайли, албатта, яна ўша даражага чиқишга ишонман. Айни дамда мамлакатда қишлоқ хўжалигини замо-

навий талаблар даражасида тараққий эттириш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш борасида амалга оширилаётган ишлар БМТ Тараққиёт дастури талабларига тўла мос келади ва бу ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати томонидан БМТ хузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти техник кўмагида ташкил қилинган тадбирда дунёнинг 32 та давлатидан 620 нафардан зиёд хорижий

меҳмонлар ҳамда 30 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этмоқда. Анжуманнинг ялпи мажлисида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Қурғоқчил ҳудудларда қишлоқ хўжалиги бўйича тадқиқотлар олиб борувчи халқаро марказ (ИКАРДА) раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, мазкур форумдан қўллаб-қувватлаган натижаларга ургу берди. Шундан сўнг конференциянинг сессия ййгилишлари ўтказилди. Уларда иштирокчилар, хусусан, қишлоқ хўжалиги эканларини етиштириш ва

қайта ишлаш дастурларини ишлаб чиқиш, тўғридан-тўғри ўзаро етказиб беришнинг келишилган схемаларини шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласининг барча соҳасида, шу жумладан, сув ва ер ресурслари, рақамлаштириш ва инновациялар, денгизга чиқа олмайдиган мамлакатларга сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, "яшил" ва экспресс йўллари ташкил этиш масалаларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги инновациялар ва яхши натижа берган лойиҳаларга эътибор қаратди.







8 сентябрь — атоқли авар шоири Расул Ҳамзатов таваллуд топган кун

# «СИЗЛАР — БУЮК ШОИР АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ВОРИСЛАРИСИЗ»

Агар ошиқларинг ўн мингта бўлса Билгилли аларнинг сардори менман...

Юртдошларимиз орасида ушбу дилбар кўшиқни эшитмаган кам топилади. Миллий кўшиқчилик санъатимизнинг таниқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев мазкур ашулани яратаркан, унинг матнини тайёрлашда атоқли авар шоири Расул Ҳамзатов шеърини илҳомланганини, гоё ва андоза олганини ўз интервьоларида кўп бор такрорларди. Икки улуг ижодкорнинг қалб кўридан яралган ушбу тарона халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолди.



(умуман олганда, Расул оға Ўзбекистонга келганда, албатта, "Турналар" ёдгорлиги зиёратига борарди). Шоир ёдгорлиқни кўради, ҳайратлини ҳамроҳларига баралла. "Кўшиққа маданиятли ва санъатсевар халқини ҳайкал қўяди. Ўзбек халқи ана шундай маданиятли ва санъатсевар халқ", деди. Расул оға бу сўзларини нуфузли давраларда ва катта анжуманларда ҳам кўп бор ҳаяжон билан такрорларди. Шоир сўзларидан бошқа халқлар иборат олишиб, ўзларида "Турналар" кўшиғига ёдгорлик ўрнатиш ишларини бошлаб юборишди. Шу тариқа хозирги кунда дунёнинг 180 дан ортиқ манзилларида "Турналар" кўшиғига ёдгорлик бунёд қилинди ва бундай хайрли ишлар ҳамон давом этмоқда. Бироқ "Турналар" кўшиғига ёдгорлик биринчи бўлиб Чирчиқ шаҳрида қўйилгани билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Ҳатто Доғистондаги Гуниб тоғи бағрига қўйилган "Турналар" ёдгорлиги 1986 йилда очилган.

1975 йили Тошкентда сеvimли шоирамиз Зулфиянинг 60 йиллик тўйи нишонланди. Унда Расул Ҳамзатов шоирамиз ижодиға бағишланган таъсирчан нутқ сўзлади. Умуман, Расул оға Зулфияни дунёнинг буюк шоираси сифатида эъзозларди ва анжуманларда шоирамизга ҳурматини изҳор этарди. Ўз навбатида, Зулфия оға ҳам Расул Ҳамзатовни қадрларди.

Ҳамон адабиёт аҳли ўтган асрнинг 60 — 80-йилларидаги "Олтин авлод" адабий даврасини ҳавас билан эсга олади. Анжуманлар маҳали дунёга таниқли адиблар — болқор Қайсин Қулиев, авар Расул Ҳамзатов, бошқирд Мустай Карим, қалмоқ Давид Қулулинов, қирғиз Чингиз Айтматов ва уларнинг маслақдошлари давра қуришарди. Уларнинг ҳар бири нисбатан кам сонли миллатларга мансуб бўлиб, Расул ака гоҳо ҳазил аралаш: "Биз "нашцен"миз" (миллий озчиликмиз), деб кўярди. Бу сўзнинг тағида теран мазмун бўлиб, ўша ижодкорларнинг ҳар бири ўз миллати манфаатларини астойдил ҳимоя қиларди. Даврашбоқ бўлган Қайсин Қулиев 1969 йили Москвадаги ёшлар семинарида ўзи кашф қилган Абдулла Ориповни ҳам даврага қўшганди. Шу тариқа Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов улуг адиблар сўхбатидан баҳраманд бўлди ва уларга монанд равишда буй ростлади. Бежиз, чўққи чўққиларга қараб буй ростлайди, дея айтиммаган.

Катта даврада фикрлари сайқаланган Абдулла Орипов дунё адабиётининг жавоҳирларидан бири бўлган Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Доғистоним" китоби ҳақида шундай сўзларни битганди: "Ушбу асарда шоирнинг бутун борлиги: дунёқараши, маънавияти, изтироб, армони, фаҳри ва ғурури — барча-барчаси мужассам. Бу бепойвон туйғуларни эса Расул аканинг ўз она тилига, митти бўлса ҳам ягона Доғистонга чексиз муҳаббати бирлаштириб туради. Китобда юзлаб, минглаб ёмби фикрларни, ҳикматларни

учратиш мумкин. Муаллиф ажодлар, замондошлар тажрибасига таянади. Ҳар қандай сиёсатнинг игна кўзидек тешигидан ҳам "туя"ни бемалол ўткази олади. Мана буни маҳорат деса бўлади". Бундай пурмаёно сўзларни Расул Ҳамзатовнинг "Оналарни асранг", "Шомилининг муҳаббати", хуллас, ҳар бир асари ҳақида айтилса ҳам ҳеч бир муболага бўлмайди.

Халқимиз дошқозонда пишган ошнинг мазасини билиш учун қошиқда олиб татиб кўриш кифоя дейди. Дарҳақиқат, Расул Ҳамзатов асарларини арақлаб, истаган жойидан дурдай поглаб турган бирон мисрасини ўқиш кифоя. "Менинг Доғистоним" бадиасидаги "Одам фақат атама эмас — унвон. Унвон бўлганда ҳам жуذا юксак унвон. Бу юксак унвонга муносиб бўлиш учун бир умр интилиш керак", "Оналарни асранг" дostonидаги "Дунёда онаси борлар бахтиёр", "Шомилининг муҳаббати" dostonидаги "Оллоҳнинг қарам кенг, ишқ олдида ҳамма тенг" каби қўйма мисраларга кўз югуртиришингиз билан дилингиз ёришади, шу асарларни тўлиқ ўқиб чиқмагунча тинчимайсиз.

Қатрада кўёш акс этганидек, Расул Ҳамзатов адабиётга олиб кирган "Ёзувлар" мухтасар жарида ҳам олам-олам ҳикматлар мужассам. Биргаликда кўзадаги ёзувларини ўқийлик.

Оддий гилдан ясалди энг гўзал кўза, Оддий сўздан яралади шеъринг мўъжиза.

Шоир "энг гўзал кўза", "шеъринг мўъжиза" ташбеҳлари орқали инсоният ибтидоси ва қудратли сўзни васф этапти.

Расул оғанинг Шарқ мумтоз рубойлари билан бўйлашадиган тўртликларнинг ҳам бадиийлиги пухта, мазмунуи теран ва кўлами кенг.

Доғистон осмони остида шу зум, Икор бўлдим, баланд довондан оша. Шоир бўлиш учун эрта тугилдим, Расул бўлиш учун кечикдим роса.

Шўқрки, Расул оға ҳар бир ижодкор ошиши лозим бўлган баланд довондан эртароқ ошиб ўтди, сафсатабозлик ва шеърят бошқа-бошқа нарса эканлигини эртароқ тушунди, ўзлигини эртароқ англади. "Шоирнинг вазифаси одамларнинг Ер узиде гўзал ва бахтли ҳаёт кечиршиларига ёрдам беришдан иборат. Бундай шарафли вазифани бажариши учун шоир ўз ишининг устаси бўлиши лозим", деган боқий тамойилга асосан шеърлар ва бошқа жанрдаги асарларни ёзди. Бундай умуминсоний асарлар Расул Ҳамзатовни жаҳон халқлари ҳурматиға сазовор этди. Шоир умрбоқий асарлари учун кўплаб давлатларнинг нуфузли унвон ва мукофотларига муносиб кўрилди. 1977 йил 8 мартда коинотда кашф этилган 7509-рақамли астероид "Ҳамзатов" номи билан аталди.

Китобхонлар Расул Ҳамзатовни муҳаббат кўйичи сифатида ҳам ҳурмат қилишади. Унинг севгиға бағишланган оддий ва самимий шеърлари ўқувчиларнинг юракларидан жой олади.

Агар сен бўлмасанг ёруғ оламда, Менинг ҳар бир куним ўтарди қарахт. Сенсиз мени ҳеч ким ёкмасди гафта, Сенсиз менга ҳеч ким беролмасди бахт.

Ҳақиқатан ҳам, унинг руҳи шом маҳали оппоқ турналар сафиде осмонимиз узра парвоз этаётганда юртимизда ўтказган шўқули дамларини эслаб, Ўзбекистонлик кадрдонларини номма-ном йўқлаб ўтапти. Халқимиз ҳам адабиётимизнинг катта дўсти бўлган Расул Ҳамзатов таваллудига 100 йил тўлаётган кунларда унинг китобларини янада кўпроқ ўқиб, шеърхонлик, хотира кечалари ташкил қилиб, руҳини шод этмоқда. Зеро, хозирги кунда бутун дунё бўйлаб "Бизнинг Расул. Менинг Доғистоним" шiori остида ўтказилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам шу.

Асрор МҮМИН, шоир ва таржумон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

"Гулистон" журналининг 1968 йилги 1 — 8-сонларида берилди (эслатма: 5-сониде чиқмаган). Журналда кетма-кет берилаётган асар халқимиз томонидан сеvim ўқилди.

1968 йили ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги тўйи муносабати билан Тошкентга келган Расул Ҳамзатов тантанали маросим танаффусида ёш адабиётшуносларимиз билан суҳбатлашди. У суҳбат чоғида халқимизга, адабиётимизга бўлган чексиз ҳурматини изҳор қилди: "Ўзбек халқига ҳавасим келади. Сизлар — буюк шоир Алишер Навоийнинг ворисларисиз, улуг миллатнинг фарзандларисиз, катта тилининг эгаларисиз. Бу билан фахрланишингиз, халқингиз, тилингиз камолиға хизмат қилишдан чарчамаслигингиз керак".

Бу сўзлар оз сонли миллатлар ва уларнинг тиллари йўқолади, мамлакатда ягона тилни жорий этишимиз керак деган сафсата гоё тарғиб қилинаётган даврда айтилгани билан аҳамиятлидир. Ўша даврда Ўзбек ёшларига "улуг миллатнинг фарзандларисиз, катта тилининг эгаларисиз", деган сўзларни халқимизни, бой маданий меросимизни чин дилдан қадрлаган Расул Ҳамзатовгина айтиши мумкин эди.

Албатта, журналистлар машҳур шахслардан интервью олишға ҳаракат қилишади. Тантанали маросим тугатганидан кейин "Тошкент" ресторанида ижодкор дўстлари билан кечки тановулни бошлаган Расул оға олдиға бир журналист ҳовлиқиб келиб дейди:

— Ассалому алайкум, Расул Ҳамзатович! Агар сиз менга хозир Навоий ҳақида интервью бермасангиз ва бу интервью эртаға газетамизда чиқмаса, бош муҳаррир мени ишдан ҳайдайди.  
— Айт-чи, биродар, мусулмонмисан?  
— Алхамдулилло, мусулмонман.  
— Алхамдулилло, мен ҳам мусулмонман.  
Узинг айт, мусулмон киши таҳорат олмасдан намоз ўқиши мумкинми?  
— Йўқ.

— Мен хозиргина муқаддас китобимиз таҳриқлаган мана бу коньякдан ҳўплаб қўйдим, таҳоратим бузилди. Ул зотинг номини таҳорат олмасдан тилға ололмаيمان, эрталаб кел, таҳорат олиб сени кутиб тураман. Ушанда интервью оласан.

Афсуски, ўша мустабид тузум даврида, тўғрироғи, дин ҳақида ҳатто сўзлаш таҳриқланган вақтда бу суҳбатни, яъни ибратли интервьюни ёзиб бўлмасди. Ораддан қирқ йил ўтиб бу суҳбат тафсилотини ўша воқеаға гувоҳ бўлган сеvimли адибимиз Ўткир Хошимов ўз эсдаликларида ёзди. Энди бу интервьюни барчамиз кунт билан ўқишимиз ва шеърят султони бўлган ҳазрат Алишер Навоий бобомизни эъзозлашда Расул Ҳамзатовдан ибрат олишимиз керак.

1972 йили 8 май кун Чирчиқ шаҳрида Расул Ҳамзатовнинг "Турналар" кўшиғи асосида шахидлар хотирасига бунёд этилган ёдгорликнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу хабарни эшитган Расул оға мисоли қанот боғлаб Ўзбекистонга учиб келди ва биринчи навбатда ёдгорликни зиёрат қилишға ошиқди

РЕКЛАМА

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ 2024 ЙИЛ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА, ДОКТОРАНТУРА, СТАЖЁР-ТАДҚИҚОТЧИЛИККА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

№	Ихтисослик шифри ва номи
1.	08.00.01 — Иқтисодиёт назарияси
2.	08.00.02 — Макроиқтисодиёт
3.	08.00.03 — Саноат иқтисодиёти
4.	08.00.04 — Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиёти
5.	08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
6.	08.00.06 — Эконометрика ва статистика
7.	08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит
8.	08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит
9.	08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти
10.	08.00.11 — Маркетинг
11.	08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт
12.	08.00.13 — Менежмент
13.	08.00.14 — Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари
14.	08.00.15 — Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти
15.	08.00.16 — Рақамли иқтисодиёт ва халқаро рақамли интеграция
16.	08.00.17 — Туризм ва меҳмонхона фаолияти
17.	09.00.04 — Иجتимойи фалсафа
18.	13.00.02 — Таълим-тарбия назарияси ва методикаси
19.	13.00.07 — Таълимда менежмент

Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сонли қарорига мувофиқ таянч докторантура, докторантура, стажёр-тадқиқотчилик ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ҳужжатлар сўралади:

**Таянч докторантурага (PhD)** талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтarchасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нухаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасаси магистратр ва бакалавр дипломлари ҳамда унинг иловалари, нашр этилган илмий ишлар рўйхати (таянч докторантураға кириш учун талабгорларда танланган диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда камиде 1 илмий мақола ва 2 тезис) ва уларнинг нухсалари, диссертация режасининг муфассал лойиҳаси (асоснома), хорижий тилни билиш даражасини тасдиқловчи сертификат, илмий раҳбарнинг розилик хати.

**Докторантураға (DSc)** талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтarchасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нухаси (ишлаётган талабгорлар

учун), олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражаға эға бўлганлиги тўғрисидаги диплом нухаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нухсалари (диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камиде учта илмий мақола ҳамда иккита тезис), тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси (асоснома), хорижий тилни билиш даражасини тасдиқловчи сертификат, илмий раҳбар ёки маслаҳатчининг розилик хати.

**Стажёр-тадқиқотчиликка** талабгорлар ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтarchасининг белгиланган тартибда

тасдиқланган нухаси (ишлаётган талабгорлар учун), иш жойидан тавсифнома, олий таълим муассасаси магистратура дипломи ва унинг иловалари, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нухсалари, диссертация режасининг муфассал лойиҳаси (асоснома) ва илмий маслаҳатчининг розилик хатини топширадлар.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазиrлигининг <http://phd.mininnovation.uz/> веб-сайтиға OneID орқали рўйхатдан ўтиб жойлаштирилади. Ҳужжатларнинг асл нухсаларини йиғмақилд шаклида университетнинг Илмий тадқиқотлар ва инновациялар департаментига топшириш мумкин.

**Ҳужжатлар 2023 йил 15 сентябрдан 15 октябргача бўлган даврда қабул қилинади.**

Кўшимча маълумот олиш учун Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Илмий тадқиқотлар ва инновациялар департаментига мурожаат этиш мумкин. Тел.: 71-239-01-43, Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 49-уй, Маданият саройи, 2-қават. [doctorant.tsue.uz](mailto:doctorant.tsue.uz)

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 058 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; **копибаст 71-259-74-53;**  
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятта келган кўлэмалар таҳрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислам Каримов кўчаси, 55-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусаҳҳачи — С. Исмолов.

"Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.50 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6